

## Баркамол авлод - юрт келажаги Комиллик йўли

Баркамоллик - камолот, комиллик, маънавий-жисмоний бирлик демакдир. Инсон доим комилликка интилиб яшайди. Баркамоллик сари интилиш мамлакат келажагининг порлок, миллатнинг қудратли бўлишига замин яратади. Мамлакатимизда баркамол авлод гоёяси улуг ахамият касб этганини "Оналар ва болалар йили", "Соғлом авлод йили", "Ёшлар йили" ҳамда "Баркамол авлод йили" каби бардавомликка қаратилган эътибордан англаш қийин эмас.

Баркамол авлод йили муносабати билан алоқа ва ахборотлаштириш тизимида ҳам қатор тадбирлар уюштирилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири шу йилнинг 16-18 апрел кунлари Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги 2-академик лицей спорт залида ташкил этилди. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига тааллуқли таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари ўртасида Баркамол авлод йилига бағишланган спорт фестивали ўтказилди.

12-бет



### Сўнги янгилик!

Алоқа оламида:

Toshiba (Япония) компаниясининг Кембриждаги тадқиқотлар лабораторияси маълумотларни квантли шифрлаш бўйича янги технология устида излашниш ўтказиётганини маълум қилди. Тадқиқотчилар бу технология келгусида банклар, давлат ва тижорат муассасалари коммуникация тармоқларида ўта муҳим маълумотларни муҳофазалашда ишлатилиши мумкинлигини айтишмоқда.



Олимлар ишланмада квант калитларини дистрибуциялашнинг янги усулини синаб кўришапти.

### Ушбу сонда:

- Хайъат йиғилишида 2
- "Юнител"га халқаро сертификат 3
- Узбекско-германский проект в сфере ИКТ 6
- Жаҳон почтаси: Финляндия тажрибаси 11
- Термизий мақбараси 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

## Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19-20 апрел кунлари расмий ташир билан Москвада бўлди. Ислам Каримов ва Дмитрий Медведев Ўзбекистон — Россия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари, шунингдек, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятта молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар. Икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори эълон қилинди.

15 апрел кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлисини шу йил 7-8 майда Тошкент шаҳрида қақририш тўғрисида қарор қабул қилди.

16 апрел кунини Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йил биринчи чорагидаги якунлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан республика ҳукумати 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасида “Таълим соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш: муаммо ва ечимлар” мавзуда давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фондини маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси янги таркибининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Парламент комиссиясининг 2008-2009 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди, истиқболдаги вазифалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган “Республика худудий босма оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака ошириши” лойиҳаси якунланди. “Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасида ташкил этилган мазкур лойиҳада Тошкент ва Сирдарё вилоятларининг ёш журналистлари мамлакатимизнинг етакчи нашрлари ҳамда ахборот агентликларида малака оширилди.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг “Ижод” уюшмаси ташаббуси билан таъсирий ҳамда амалий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди. Унда миллий ҳунармандчилик буюмлари ҳамда инсталляция, видеоарт, фотоколлаж жанрларидаги 500дан зиёд бадиий ижод намуналари намоиш этилмоқда. Кўргазма 16 майга қадар давом этади.

Жорий йилнинг 21 апрел кунини Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2010 йил I чорақ якунларига бағишланган кенгайтирилган Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлис видеоселектор орқали вилоятларга, аудиселектор орқали туманларга узатилди.

Ингилишони Агентлик Бош директори, Хайъат раиси Х.Мухитдинов олиб борди. Соҳа раҳбари биринчи чорақ давомида эришилган ютуқлар билан бирга камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигини танқид остига олди.

# Якунлар ва вазифалар

Бу масала Агентлик Бош директорининг ўринбосари А.Хўжаевнинг “2010 йил I чорагида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги маърузасида батафсил таҳлил қилинди. Маърузада таъкидландики, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўрсатилган алоқа хизматларининг ҳажми — шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 9,4 фоизга, пул ўтказмалари 2,6 фоизга ўсган.

Хисобот даврида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналар томонидан 442 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди, шу жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 265,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Биринчи чорақда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги Инвестиция дастурига Агентлик бўйича киритилган лойиҳалар ҳисобига жами 37,5 млн. АҚШ доллари (59,1 миллиард сўм) ўзлаштирилди.

Ҳозирда қишлоқ худудларида кўрсатилётган телекоммуникация хизматлари сифатини тубдан яхшилаш ва кенг турдаги телекоммуникация хизматларини кўрсатиш, жумладан, мавжуд аналог қишлоқ телефон станцияларини рақамлига алмаштириш ишлари мунтазам олиб борилмоқда. Вази́рлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-қарорига асосан интерактив давлат хизматлари тури 94 тага етди. Бугунги кунда тасдиқланган базавий интерактив давлат хизматлари асосида 344 та хизматлар он-лайн тарзда тақдим этилмоқда. 2010 йил 1 апрел ҳолига кўра, маълумотлар узатиш, жумладан, интернет тармоғига улашиш хизматини кўрсатувчи ҳўжалик юритувчи субъектлар сони — 977 та, жамоа масканларининг сони 1023 тага етди. Интернетдан фойдаланувчилар сони 2,8 млн. тани ташкил қилди.

Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказида ҳисобот даврида АКТ йўналишида 133 нафар тинг-

ловчи тахсил олди. Марказ томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесида фойдаланиш учун овоз бериш тизими яратилди. “KaDaTa” дастурий маҳсулотининг янгиланган версияси ишлаб чиқилиб, мазкур тизим Республика ахборот-кутубхона маркази ва 12 та вилоят ахборот-кутубхона марказларида ҳамда Республика илмий педагогика кутубхонасида, Гулистон

““

Хисобот даврида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналар томонидан 442 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилди, шу жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 265,1 млрд. сўмни ташкил этди.

””

давлат университети ва Бухоро тиббиёт университетининг ахборот-ресурс марказларига ўрнатилди.

Республикада Электрон рақамли имзо калитларининг рўйхатга олиш марказлари томонидан берилган калитлар ва электрон рақамли имзо калитлари сертификатларининг умумий сони 45360 тани ташкил этди.

Почта алоқасининг автоматлаштирилган тармоқлари ва бўлимларида 44 та интернет-кафе очилган. Уларда интернет, электрон почта, электрон хабарларни қўғозга чоп этиш, компютер хизматлари, CD дисклар ва CD дискларида лицензияли филмларни сотиш каби хизматларни кўрсатиш йўлга қўйилган. АКТ негизда янги хизмат турларини кўрсатиш учун алоқа бўлимларида 378 та компютер бор, улардан 150 таси Ўзбектелеком” АКТ биллинг тизимига On-line тартибда уланган.

2010 йилнинг биринчи чорагида ахборот-кутубхона марказлари фонди 4127 нусхадаги адабиётга ошди ҳамда уларнинг умумий фонди 4915775 нусхани ташкил этди.

“TELMAX ELEKTRO-NIKS” ИЧК МЧЖ томонидан биринчи чорақда 297,65 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, тўлиқ сотилди.

Жорий йилда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида 173 та асосий иш ўрни ва 98 та касаначилик асосида иш

ўринлари ташкил этиш белгиланган. Олиб борилган ишлар натижасида биринчи чорақда 56 та асосий иш ўрни ва 57 та касаначилик бўйича иш ўрни ташкил қилинди.

Ижро интизомини янада кучайтириш мақсадида 2010 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ишчи гуруҳи томонидан жадвалга асосан тизимдаги 21 та ташкилотда ижро интизомига риоя қилиш ҳолати мақсадли ўрганилди ҳамда соҳада ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш, ижро интизомини мустақамлаш мақсадида учта ўқув-семинар ўтказилди.

Хайъатда соҳа раҳбари келгусида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янада ривожлантириш, 2010 йилга белгиланган Инвестиция дастури ва экспорт прогнози кўрсаткичларининг тўлиқ бажарилишини таъминлаш, рақамли телевидениени жорий этиш ишларини жаддалаштириш, замонавий хизматлар турларини жорий этиш ва ривожлантириш, “Баркамол авлод йили Давлат дастури” бўйича белгиланган муҳим вазифаларни тўлиқ амалга ошириш зарурлигини алоқада таъкидлади. Шунингдек, ҳайъатда ўз вазифасига совуққонлик билан қараган, топшириқларни ўз вақтида бажармаган раҳбарларга нисбатан тегишли интизомий чоралар кўрилди.

Муҳокамада “Ўзбектелеком” АКТ бош директорининг биринчи ўринбосари Ў.Тўхтаев, “ЎзНЕТ” филиали директори А.Абдуазизов, “Ўзбектелеком Мобайл” филиали техник директори Қ.Йўлдошев, “Матбуот тарқатувчи” АКТ бош директори С.Нажбидинов, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК бош директори Ш.Абидходжаев, “TELMAX ELEKTRO-NIKS” ИЧК МЧЖ бош директори С.Фархрудинов, “Тошкент почтамати” филиали бошлиғи Ю.Мирсоатовлар сўзга чиқиди.

Хайъатда кўрилган масала бўйича тегишли қарор қабул қилинди.



## Хафталик семинар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси мажлисининг 2010 йил 18 мартдаги баённомасига асосан “Баркамол авлод йили Давлат дастури” доирасида давлат муассасалари ходимлари, маҳаллий ҳокимлик органлари мутахассислари, тадбиркорлар ва аҳолини ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўқитиш тизимини ташкиллаштириш, шаҳар ва туманлардаги маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида яшовчи аҳолининг бу борадаги билимларини янада ошириш, аҳолида АКТдан амалда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш мақсадида инструктор-ўқитувчи-

ларни тайёрлаш бўйича Жиззах вилоятида бир ҳафталик ўқув семинар бўлиб ўтди.

— Унда жойлардан чақирилган 45 нафар мутахассис уч гурӯҳга бўлиниб икки кундан ўз маъналарини оширди, — дейди вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси, мазкур семинарни ташкиллаштириш вилоят ишчи гурӯҳи раҳбари Сирожон Ғозиев. — Семинарни ТАТУнинг Самарқанд филиали ўқитувчиси Илёс Хужаёров, вилоят ҳокимлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг вилоят худудий бошқармаси ходимлари биргаликда олиб бордилар ҳамда барча зарурий компютерлар, проекторлар ва қўлланмалар билан таъминландилар.

Семинар иштирокчиларига

шу нарса алоҳида тақдирландики, аҳоли ўртасида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгроқ тарғиб қилиш, интерактив хизматларни ўрганиш, замонавий техникалар ёрдамида зарур ҳуқуқий ва тааллуқли маълумотларни интернетдан фойдаланган ҳолда топиш, электрон мулоқотлар, электрон тўланмалар ва электрон тижоратдан мақсадли фойдаланиш каби имкониятларни тўлақонлича тунутириш каби вазифалар айнан инструктор-ўқитувчилар зиммасига юклатилган.

Бу каби семинарлар йил давомида олиб борилиши бўйича кўрсатмалар берилди.

Толибжон ЭРҒАШЕВ,  
“Хабар”нинг

Жиззах вилоятидаги мухбири

## “Алпомиш”дан айтишди

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида”ги қароридида ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун кўмаклашиш алоҳида кўрсатилган. Шу муносабат билан мактаб ўқувчилари ўртасида “Жаҳон халқ оғзаки ижоди билагонлари” республика кўрик-танловининг вилоят босқичини ҳар қачонгидан юқори савияда ўтказишга ҳаракат қилидик. Ўз навбатида, бу кутилган натижани берди.

Танловнинг туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган иқтидорли ёшлар халқ оғзаки ижоди намуналарини қанчалик билиш, уни ўқиш маданиятини шакллантириш даражаси борасида ўзаро баҳслашишди. Улар асосан “Алпомиш”дан айтишди.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида шерободлик ўқувчи-ёшлар, айниқса, фаол иштирок этишди. Улар туманда Шеробод бахшичилик мактаби давомчилари етишиб чиқаётганини амалда намойиш эта билишди. Шунинг учун ҳам 56-умумий ўрта таълим мактабининг “Ҳумо” жамоасига “Жаҳон халқ оғзаки ижоди билагонлари” республика кўрик-танловида қатнашиш учун йўлланма берилди. Танлов вилоятнинг Узун, Сарийосиё ва Қумқўрғон туманларида ҳам ёшларнинг халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганишига катта эътибор берилганлигини кўрсатди.

Ғолибларга вилоят халқ таълими бошқармасининг фахрий ёрликлари топширилди.

Ҳамид ТУРАҚУЛОВ,  
Сурхондарё вилояти  
ахборот-ресурс маркази раҳбари,  
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси

“Юнител” МЧЖ (“Билайн” савдо белгиси) сифат менежменти тизимининг ISO 9001:2008 халқаро стандарти талабларига мослигини тасдиқловчи сертификат олди.

## “Юнител”га халқаро сертификат



21 апрел куни TQM UZ-2010 Учинчи халқаро сифат менежменти форуми очилиши доирасида сертификатни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди.

Воқеани изоҳлар экан, “Юнител” МЧЖ Бош директори вазифасини бажарувчи Андрей Анисимов шундай деди:

“Компаниямиз 2004 йилда қўлга киритган ISO сертификатининг тасдиқланиши “Билайн” менежмент тизимининг сифати юқори эканлигидан далолатдир. Бу абонентларимиз учун сервиснинг дунё даражасида эканлиги ва ҳамкорларнинг бизга ишонч билдиришларининг кафолатидир. Келажакда бу даражани ушлабгина қолмай, балки ишимизнинг сифати ва самардорлигини янада ошириш учун ҳаракат қиламиз”.

Компаниянинг сертификация аудити инспекция хизматлари, синов ва сертификатлаш соҳасида етакчи бўлган SGS S.A компанияси томонидан ўтказилди. SGS S.A компаниясининг Шарқий Европада бизнесни ривожлантириш бўйича менежери Константин Тимошечкин аудиторлар номидан “Билайн”ни табриклади.

“Билайн”нинг сертификация аудити компания фаолияти, унинг ички жараёнлари ва иш тартиби дунёнинг юксак талабларига мос келишини яна бир марта тасдиқлади, — деб таъкидлади Константин Тимошечкин. — Бизнинг тажрибамиз шуни кўрсатадигани, бундай сертификатларни олиш компания нуфузини мустақамлабгина қолмай, унинг муваффақиятли ривожланишига ҳам кўмак беради. Ишонаманки, ISO 9001:2008га мувофиқлик “Билайн”га ўзининг аънавий юқори сифатли хизмати билан Ўзбекистон бозорида янада ажойиб натижаларга эришишига имкон беради”.

## “Замонасоз” конунбузарлар

Ахборот технологияларига талаб ошишига ҳамоханг равишда иқтисодий конунбузарликлар таснифи кингир хатти-ҳаракатларнинг янги “турлари” ҳисобига кенгаймоқда.

Қўшни давлатдан келаятган Н.Маҳмудова Тошкент вилояти божхоначилари қаршисида ер чизиб қолди. Сабаби, аёл қўл сумкасида 6 дона рақамли фотоаппарат, 9 дона адаптер (аккумулятор), шунингдек, турли USB-кабеллардан иборат салкам 1,1 млн. сўмлик товарларни яширинча олиб ўтишга уринган эди.

“Дубай-Тошкент” йўналишида парвозини якунлаган Д.Эгамбердиев пойтахт аэропортида бироз ушланиб қолди. Бунга сабабчи эса ўзи. Чунки, у видеокамера, 5 дона фотоаппарат, 44 дона флешка ҳақида божхона баённомасида ҳам, оғзаки сўров пайтида ҳам маълум қилишни “унутган” экан.

Наманган вилояти божхона бошқармаси ходимлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тadbир давомида фуқаро А.Содиқовнинг қин-



фир қилмишларига нуқта қўйилди. Қонунбузар бошқарувидаги “Нексия” автомашинаси ўрнатилган тартибларга мувофиқ қўздан кечилрилганда, унда 4 турдаги 185 дона компютер ва қўл телефонлари эҳтиёт қисмлари яширинча олиб кетилаётганлиги аниқланди.

Самарқандлик божхоначилар томонидан Булунғур туманида “Мерседес” русумли автобус назоратдан ўтказилганда, фуқаро М.Назаров томонидан процессор вентиляторлари, принтер бўёқлари, рангли принтер картрижлари, компютер карнайлари (колонка) каби салкам 450 дона турли техник анжомлар яширинча олиб кетилаётганлиги фош этилди. Маълум бўлишича, мазкур 10 турдаги компю-

тер эҳтиёт қисмларининг қиймати 3 млн. сўмни ташкил қилар экан.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида фуқаро Р.Амриддинов ёнидаги 20 дона DVD-гом, 15 дона плата, 3 дона принтер, 12 дона монитор, 15 дона “KEC-DVDcom” процессор қутиси ва бошқа товарларни “манзили”га етказмади. Сабаби, салкам 4,3 млн. сўм қийматдаги мазкур компютер эҳтиёт қисмларининг божхона расмийлаштирувини тасдиқловчи ҳужжатлари йўқ эди.

Ҳозирда ушбу ҳолатлар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ҳусен ТАНҒРИЕВ,  
Давлат божхона қўмитаси  
матбуот хизмати  
инспектори

## Xalqaro haqot



### ДОЛЛАР ЯНГИЛАНДИ

АҚШ молия вазирлигида янги намунадаги 100 долларлик купюра тақдимоти ўтказилди.

Юз долларлик дизайнига бир қатор ўзгаришлар киритилган. Биринчидан, банкнотанинг юза қисмига Озодлик кўнғироғи тасвири жойлаштирилган. Бундан ташқари, кўк рангли уч ўлчамли ҳимоя тасмаси қўшилган: ундаги кўнғироқчалар тасвири ёнлатиб қаралганда 100 рақамига айланади. Шунингдек, портрет шаклидаги сув белгиси ҳам бор: агар ўрғуликка тутилса ҳар икки томондан ҳам Франклиннинг портрети элас-элас кўринади. Юза қисмидаги 100 рақам турли бурчаклардан қаралганда рангини ўзгартиради.

Федерал захира тизими раҳбари Бен Бернанкенинг айтишича, янги пул чиқишига қарамасдан, эски пуллар муомалада сақлаб қолинади.

### ЭНГ ЙИРИК КОМПАНИЯ

Ишбилармонларнинг Forbes журналі аънаваний жаҳоннинг энг йирик ва нуфузли компаниялари рўйхатини эълон қилди. Рўйхатга 62 мамлакатнинг икки мингта компанияси киритилган.

Иқтисодий инқирозга қарамасдан, корпоратив оламда банклар етакчилик қилмоқда — уларнинг 308таси рўйхатдан жой эгаллаган. Нефть-газ соҳасидан 115 компания шундай шарафга лойиқ топилган.

Жаҳондаги энг нуфузли компания сифатида Американинг JP Morgan Chase банки эътироф этилди. Шунингдек, етакчи бешликка General Electric, Bank of America, ExxonMobil АҚШ нефть-газ корпорацияси ҳамда Хитойнинг ICBC банки киритилган.

### ТИНЧЛИК ЭЛЧИСИ ВАФОТ ЭТДИ

Халқаро олимпия қўмитасининг фахрий президенти Хуан Антонио Самаранч 90 ёшида оламдан ўтди.

У 1980-2001 йиллар давомида ХОҚни бошқарган, жаҳон спорти равнақиға жуда катта ҳисса қўшган буюк замондошимиз эди.



### ВУЛКОН ТЎХТАДИ

Британиялик метеорологларнинг маълум қилишича, 14 апрел куни бошланган Исландиянинг Эйяфйатлайокудл вулкони отилиши тўхтаган. Шу муносабат билан айрим Европа мамлакатларида самолётлар парвози тўлиқ ёки қисман йўлга қўйила бошланди.

Маълумки, вулкон отилишидан ажралган кулнинг тарқалиши оқибатида аввалига Шимолий, кейинчалик Ғарбий ва Шарқий Европа осмони кул тўзони билан қопланган ва авиаташувлар бутунлай тўхтаганди. Сунгги ҳисоб-kitобларга қараганда, авиакомпаниялар табиий офатдан 1,7 миллиард доллар зарар кўрган.

Хоразм вилояти Давлат алоқа инспекцияси томонидан ўтган 2009 йил давомида Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарори билан тасдиқланган текширишлар режа-жадвалига асосан “Хоразм Телеком” филиалида режалар текширишлар ўтказилган. Текширишлар жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан филиалга тегишли кўрсатма берилди ҳамда бажарилиши назоратга олинди. Фаолияти жараёнида сусткашликка йўл қўйган бешта масъул ходимга нисбатан филиал буйруғига асосан интизомий чоралар кўрилди.

# Камчиликлар тугайди...ми?

Ўзaro ҳамкорликда ишлаш келишувларига асосан “Хоразм Телеком” филиалининг Шовот, Янгибозор, Гурлан телекоммуникациялар боғламаларида, “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиалининг Урганч, Янгибозор, Богот, Гурлан туманлари ва Урганч шаҳри почта алоқаси тармоқлари ҳамда 14та алоқа бўлимида, вилоят “Матбуот тарқатувчи” шўъба корхонаси ва унинг Хива, Гурлан туманлари “Матбуот тарқатувчи” масъулияти чекланган жамиятларида, вилоят Радио ва телевидение узатиш маркази ҳамда Питнак, Саримой, Тупроққалъа радио ва телевидение узатиш станцияларида ўрганишлар ўтказилди. Шу билан бирга, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Хоразм вилоят ҳудудий бошқармаси, вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамда Электроманит мослашув хизмати мутахассислари билан ҳамкорликда Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (сотиш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш) ва фойдаланиш тартибига риоя қилиш устидан назоратни ташкил қилишда вазирлик ва идораларнинг ўзaro ҳамкорлиги тўғрисидаги низомга асосан ноқонуний қурилмалар ишлатилишининг олдини олиш мақсадида 18та тadbирда иштирок этилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида 13 нафар шахс томонидан 28та радиоэлектрон восита ноқонуний ишлатилаётганлиги аниқланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик кодексининг тегишли моддаларига асосан маъмурий жазо чоралари кўрилди.

2009 йил давомида вилоят ҳудудида тегишли рухсатномасиз (лицензиясиз) фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш мақсадида 7та тadbир амалга оширилди. Тадбирлар жараёнида интернет хизмати кўрсатувчи бир субъект, битта кабел телевидение студияси лицензиясиз фаолият олиб бораётганлиги аниқланиб, тўланган ҳужжатлар ўз ваколатлари доирасида тегишли чоралар кўриш учун туман ва вилоят солиқ бошқармаларига тақдим этилди.

Шунингдек, вилоятдаги алоқа ва ахборотлаштириш тизими корхоналари фаолиятига оид 58та мурожаат тушган. Таҳлил натижаларида 17та мурожаат бевосита корхоналарнинг айби билан содир этилганлиги маълум бўлди.

Шуниси таажжубланарлики, мурожаатлар сони 2008 йилга нисбатан 2009 йилда 25,9 фоизга ўсган. Мурожаатларнинг 25таси телекоммуникация соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатининг қониқарсизлиги ҳақида бўлса, 31таси почта алоқасида йўл қўйилган нуқсонлар тўғрисидадир. Иккитаси эса матбуот тарқатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

Соҳа ташкилот ҳамда корхоналарида амалдаги қонунлар, меъёрий ҳужжатлар талабларига етарли даражада риоя қилинма-япти. Бу эса ўз-ўзидан хизмат кўрсатиш сифатининг пасайишига олиб келмоқда. Айниқса, почта алоқаси соҳасида бу нарса яққол кўзга ташланаётир. Бинобарин, 2009 йил давомида “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Хоразм филиалига қарашли тармоқларда беш марта пул ўтказиш амалиётлари қоидаларининг бузилиши, уч марта йиғилган коммунал тўлов пулларини кирим қилмаслик ҳолатлари содир этилган. Ачинарли томони, бундай қондабузарликлар олдинги йилга нисбатан 34 фоиздан 66,6 фоизгача ошган. Филиал мижозларга универсал почта алоқаси хизмати кўрсатишда ҳам жиддий нуқсонларга йўл қўйган. Жумладан, вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан жўнатишдан 61та буюртмали ва 60та олдий назорат хатларининг иккитаси манзилга назорат муддатидан кечиктириб етказиб берилганлиги, олтитаси эса манзилга етиб бормасдан йўқолганлиги, бештаси почта қутиларидан беш кунгача кечиктириб олинганлиги маълум бўлди.

Вилоят «Матбуот тарқатувчи» ШК ва унинг филиалларида ўтказилган ўрганишларда ушбу соҳа субъектларида ҳам бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Айниқса, обуна учун қабул қилинган нақд пулларга квитанция бермаслик одағий ҳолга айланган. Ходимларнинг малакасини ошириш, ариза ва шикоятлар билан ишлаш қониқарли даражада эмас.

“Хоразм Телеком” филиали фаолиятида ҳам қатор камчиликлар мавжуд. Жумладан, туман телекоммуникациялар боғламаларида ҳамкорликда ўтказилган ўрганишларда хавфли кесими-ларнинг олдини олиш, магистрал кабелларда шикастланишларни бартараф этиш, кабелларни доимий ҳаво босими остига олиш ишлари, телефон шикастланишларини назорат муддатларида бартараф этишда тезкор-

лик, масъулият ҳисси етишмаётганлигини кўрсатмоқда.


Чунончи, филиал томонидан 2009 йилда 482та хавфли кесими-ма бартараф этилган бўлса-да, 2010 йил 1 феврал ҳолатига 190та хавфли кесими-ма мавжудлиги маълум бўлди. Ҳамкорликда ўрганиш ўтказилган телекоммуникациялар боғламаларидан тақдим этилаётган статистик ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги таъминланмаган. Қолаверса, бугунги кунда ҳаво босими остига қўйилган 236та магистрал кабелдан 17таси меъёр талабларига жавоб бермайди.

2009 йил давомида Урганч алоқа техникасидан фойдаланиш боғламасига қарашли зонаичи оптик алоқа кабел линиясида тўрт мартаба узилиш содир бўлган, шундан учтаси 2009 йил май ойда Янгибозор-Гурлан участкасида кузатилган. Вилоят Давлат алоқа инспекцияси томонидан Урганч-Урганч тумани-Янгибозор-Гурлан-Шовот ҳудудий йўналишларида линияларни муҳофаза қилиш ишлари етарли даражада ташкил қилинмаганлиги сабабли, ариқ-зовурлардан ўтган қувурларнинг букилиши, оғоҳлантириш устунларининг етишмаслиги, мавжудларининг эскириб қолганлиги, жойларда телефон қудуқларининг қопқоқлари йўқлиги юзасидан бир неча бор тегишли тавсиялар билан хатлар чиқарилди. Узилиш сабаблари Урганч алоқа техникасидан фойдаланиш боғламаси раҳбарияти томонидан таҳлил қилинмаётганлиги, уларнинг ўз лавозимларида масъулиятсизлик билан ёндашаётганликлари оқибатида жойларда назорат ишлари сусайиб кетмоқда. Ҳозирги кунгача камчиликларни бартараф қилиш бўйича Гурлан-Шовот ҳудудий йўналишларида олиб борилаётган ишлар охирига етказилмаган.

Хоразм вилоят Давлат алоқа инспекцияси ўз ваколатлари доирасидан келиб чиққан ҳолда ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни 2010 йил давомида такроллмаслик мақсадида Агентлик тизимидаги корхона ва ташкилотлар билан доимий равишда ҳамкорликда ишлар олиб бориш ҳамда назоратни кучайтириш юзасидан тегишли чора-тадбирлар режасининг бажарилишини таъминлаш юзасидан корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлар олиб боришмоқда.

М.РАЖАПОВ,  
Хоразм вилояти ДАИ бошлиғи

# Ёвқур кўшиклар



Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши солномасида 1-Украина фронтининг шон-шухратларга бурканган ўз жанговар йўли бор. Утловли уруш йўлларини мазкур фронтнинг 240-дивизияси жангчилари билан босиб ўтганлардан бири шофирконлик Холниёз Ҳикматовдир.

— Уруш бошланиши арафасида она юртимдан анча олисда — Подолск шаҳрида ҳарбий хизматда эдим, — дея ҳикоя қилади у. — 1941 йилнинг декабрида қуролдош дўстларим қатори Москва ҳимоясига отландим, сўнгра Орёлни озод этишда қатнашдим. Курск ёйидаги жангларнинг бирида оғир яраланганим туфайли маълум муддат медресада даволанишимга тўғри келди. Кейин эса дивизиямиз жангчилари билан Киев учун олиб борилган жангу жадалларда иштирок этдим.

— Будапешт яқинидаги кичик қишлоқдан фашистларни қувиб чиқарганимиз кечагидек ёдимда, — ҳикоясини давом эттиради ота. — Ушанда жангчи дўстларим билан бирга харобага айланган эски бир черковдан туриб душман устига пулемётлардан ўқ ёдирган эдик.

Жангларда кўплаб сафдошларимиздан айрилдик. Номии ўчур касофат уруш шу тариха орзиқиб қутилган галаба манзилга етиб борганимизга қадар бизни кўплаб яқин дўстларимиздан жудо этган эди.

Ҳа, Холниёз ота ҳар баҳор қир-адирларда чамандек очиладиган долақизгалдоқларга боққанида умри урушида бемаврид хазон бўлган азиз юрдошларини — аскар йигитларни кўргандек бўлади. Унинг назарида эрта кўкларнинг беғубор осмонидан ўз кўшигини қуйлаб ўтаётган сон-саноксиз турналар ҳам шахид жангчиларнинг пок руҳига айлангандек, туё. Собиқ

фронтчи бир муддат хаёлга берилса бўлди — 65 йил олдинги воқеа-ҳодисалар, тало-тўп уруш майдонлари кино тасмасидек бирма-бир кўз ўнгилан ўтаверди. 1-Украина фронти, унинг қатор дивизиялари босиб ўтган шонли йўл оддий ўзбек йигити — ефрейтор Холниёз Ҳикматов номига 1945 йилнинг июль ойида ушбу фронт кўшинлари

қўмондони, маршал И.Конева бошқа бир қатор юқори мартабали ҳарбийлар томонидан битилган ташаккурномада ҳам акс этиб турибди. Ҳа, душман уяси — Германияга ёриб кирган, Одер, Нейссе, Шпрее дарёларида кечиб ўтиб, Элба дарёсига чиқиб олган ҳамда Берлин шаҳрида иттифоқчилар билан қўшилган ҳолда галаба нашидасини сурган шавкатли жангчилар сафида Холниёз Ҳикматов ҳам бор эди. У кўшакўша орден ва медаллар билан 1946 йилнинг айни саратонида она юрти — Шофирконга соғ-омон қайтди. Юрдошлари кучоқ очиб қутиб олишди. Ака-укалари, ёру дўстлари қувончининг чеки йўқ эди.

Холниёз ота қишлоқ хўжалик техникумини битиргани боис маълум муддат туман хўжалиқларида агрономлик қилди. Сўнгра, мутасадди раҳбарлар тавсиясига кўра, болалар ҳунар мактабига ишга ўтди. Мактаб директори сифатида ўзининг бутун куч, би-

лим ва маҳоратини ишга солди. Ташкилотчилиги ва ишчанлиги туфайли туман раҳбарлари назарига тушди ва орадан кўп ўтмай Тошкентга — туманлардаги алоқа идора ва ташкилотлари раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ташкил этилган курсга ўқишга юборилди. Ўн йил давомида

Шофиркон тумани алоқачилари ва почта ходимлари ишига бошчилик қилганда ҳам, почта алоқаси катта оператори вазифасида ишлаганида ҳам ва ҳатто нафақага чиққанидан кейин ҳам,

Тезгузар алоқа бўлими бошлиги вазифасида фаолият олиб борганида ҳам узоқ йиллар давомида олган билимлари, амалий тажрибалари қўл келди. Бир сўз билан айтганда, ўтган асрнинг 50-80-йилларида Шофиркон ва Вобкент туманларида почта алоқаси соҳасида қандай ижобий ўзгаришлар рўй берган бўлса, буларнинг барчаси Холниёз Ҳикматов номи билан чамбарчас боғлиқ.

Холниёз ота содиқ шогирдларидан, меҳрибон ўғли Собиржондан, ягона қизи Ҳамидалдан, уларнинг ўғил-қизларидан кўнгли тўқ, Сабаби — уларнинг барчаси ҳаётда ўз ўрнини топиб олишган.

Хар йили — Хотира ва Қадрлаш кунини юртимизнинг барча гўшаларида

бўлганидек, ота ҳамда унинг оила аъзолари яшайдиган “Тезгузар” қишлоқ фуқаролар йигини ҳудудида истиқомат қилаётган Ҳомид бобо Муҳаммедов, Олим ота Комилов, Али бобо Боймуродов, Деҳқон ота Султонов, Бекмурод бобо Холлов, Тилав ота Тухтаев сингари уруш фахрийларига маҳаллий ҳокимлик идоралари, мутасадди ташкилотлар томонидан алоҳида ҳурмат ва эътибор кўрсатилади. Бир шиёла чой баҳонасида дилдан сўхбатлар ташкил этилади. Холниёз ота ҳузурига эса туман почта алоқаси тармоғи раҳбарлари, ходимлари ҳам тез-тез ташриф буюриб, отага моддий ва маънавий ёрдам бериб келмоқдалар.

Туман бўйича ҳозирги пайтда 62 нафар уруш фахрийси истиқомат қилипти. Улар жойлардаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йигинлари мутасаддиларининг доимий эътиборида. Президентимизнинг яқинда эълон қилинган фармонида мувофиқ, барча собиқ фронтчилар қатори шофирконлик уруш фахрийлари кўксини ҳам “1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги Галабанинг 65 йиллиги” юбилей медали беъайдиған бўлди.

Ҳа, душман ошкор тиш қайраган пайт бизга ёвқур кўшиқлар керак деганида шоир нақадар ҳақ эканлиги барча замонларда ҳам бирор-бир истисносив тан олинмиши ўз-ўзидан аён. Шу боис ва ҳеч шубҳасиз ана шу ёвқур кўшиқлар дилларда ва тилларда ҳаммаша устувор бўлганлиги учун ҳам эрк-севар халқимизга том маънодаги зафар ва галаба мудом ҳамроҳ бўлмай. Дориломон, озод ва ҳур Ватан туйғуси ҳам шу бўлса керак, аслида.

Асқар ИСТАМОВ,  
“Xabar”нинг  
Бухоро вилоятидаги муҳбири

## Фахрий алоқачи

— Яқинда матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармонини эшитиб гоят хурсанд бўлиб кетдим, — дейди Отахон ҳожи ота Баҳромов. — Ушбу фармон орқали мен каби фахрийлар ҳурмати эъзоз нашидасидан баҳраманд бўлмоқдалар.

Отахон Баҳромов 1925 йили Шаҳрихон тумани Гумбаз қишлоғида деҳқон оиласида таваллуд топган. Дадаси Баҳромжон Холбўтаев деҳқончилик устаси бўлган.

— 1943 йилнинг апрел ойи эди, — деб сўзини давом эттирди отахон. — Мен ва мен кабилар тумандаги пахта тозалаш заводи клубига тўпландик, сўнг поездга чиқиб йўлга раво бўлдик. Бизни Қозоғистондаги 39-ўқин полкига жойлаштирдилар. Мен шу полкда уч ой миномётчиликка ўқидим. Полкда 1943 йил ноябр ойигача хизмат қилдим. Ундан сўнг Новгород ва Москва шаҳарларидаги қонли тўқнашуларда 71-ўқин полк миномётчиси сифатида қатнашдим. Москва шаҳрини немислар-



дан ҳимоя қилишдаги навбатдаги ҳужумларнинг бирида чап оёғим ва чап қўлимга ўқ тегиб, 6 ой госпиталда даволандим. Қўлимнинг ўрта бармоғини кесиб ташлашди ва оёғимдаги ўқ қолдиқларини ҳам операция йўли билан тозалашди.

Госпиталда даволангандан кейин Свердловск вилояти Алайский туманидаги алоҳида қўриқлаш ўқини полкларидида қўлга тушган немис асирларини қўриқлаганман. 1947 йилда 257-полкдан икки немис асирни қочиб кетди ва бутун полк оёққа турди, шу кунни ҳамма бир тану, бир жон бўлиб ҳаракат қилдик. Мен омалли йигит эканман, асирдаги икки немис офицерини ушлаб, полкка топширдим. Шу муносабат билан 1947 йилда менга таътил беришди. Таътилдан сўнг яна қисимга қайтдим.

Отахон Баҳромовнинг суронли йиллардаги жасурлиги муносиб тақдирланиб, қатор орден ва медаллар билан мукофотланди. Унинг учун энг қимматлиси мустақиллик йилларида берилган “Жасорат” медалидир.

Собиқ жангчи 1950 йил декабр ойида тузилган қишлоғига қайтиб келди. Қишлоқда малакали кадрлар етишмаслиги сабаб туман раҳбарлари Отахон ака Баҳромовни Андижон шаҳрига — бир йиллик қишлоқ кадрлари тайёрлаш техникумига

ўқишга юборди. Ўқидан диплом олиб қайтгач, “Янги ҳаёт” жамоа хўжалигида агроном бўлиб ишлади. Меҳнатсевар, тиришқоқ йигит 1956 йилгача самарали, ҳалол меҳнатлари билан обрў ва эътибор қозонди. Жамоа хўжалигида тез-тез кўргазмалли ишлар бўлиб турарди. Шундай кўргазмада Шаҳрихон почта алоқаси тармоғи бошлигининг кўзи камтарона сўхбатлари билан барчани ўзига қаратган Отахон акага тушиб қолади. Почта бошлиғи Отахон акани ишга таклиф қилади. Таклифни бажонидил қабул қилиб, 1956 йили Шаҳрихон почтасига ишга киради. Қишлоқларда алоқа бўлимлари етишмаслиги туфайли Шаҳрихон почта алоқаси бўлими бошлиғи туманда янги алоқа бўлимларини очиниши унинг зиммасига юклайди.

Отахон ака ишга киришиб кетали ва Кўштепа, Сарой, Назар Марҳам, Чўп, Найнаво, Бобочек, Қўшқурак, Бўстон алоқа бўлимлари ташкил қилиниб, бу бўлимларни шакллантиришда катта ҳиссасини қўшади.

Отахон ака “Найнаво” алоқа бўлимида 10 йилдан кўпроқ ишлади. 1979 йилда у пенсияга кузатилди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Отахон Баҳромов Президентимизнинг яна бир гамхўрлигиндан баҳраманд бўлиб, 1993 йили ҳаж амалларини бажариб қайтди. Турмуш ўртоғи Маҳпиратхон она билан 9 нафар фарзандни тарбиялаб, уй-жойлик қилишди.

Сойибназар  
СУЛТОНОВ,  
“Ўзбекистон почтаси”  
ОАЖ Андижон филиали  
Шаҳрихон почта алоқаси  
тармоғи касабга уюшмаси  
қўмитаси раиси



## Узбекско-германский проект в сфере ИКТ

В отеле «Dedeman Silk Road Tashkent» состоялась итоговая научная-практическая конференция, посвященная завершению реализации Узбекско-германского проекта «Профессиональное образование в сфере ИКТ, ориентированное на потребности рынка труда».

— Проект, который начался 7 лет назад показал прекрасные результаты: введены три новые профессии, 32 колледжа в рамках проекта оснащены современной техникой, а мотивация учеников повысилась в разы, — отмечает Шавкат Жавлонов, первый заместитель министра Высшего и средне-специального образования Республики Узбекистан, Директор Центра среднего специального и профессионального образования.

Сотрудничество Узбекистана и Германии позволило дать качественные знания и навыки более 12000 ученикам, большинство из них успешно при-

меняет их на практике, что было отмечено выступившими на мероприятии специалистами.

— Такие показатели достигнуты благодаря постоянной практике учеников, — говорит главный специалист ЦССПО Галина Голева. — Потому что именно практика позволяет показать результаты обучения и помогает закрепить полученный теоретический материал.

В учебной программе с 1 по 3 курс более 576 часов ученики практикуются на предприятиях, на которых потом трудоустраиваются. Стоит отметить, что программа, ориентированная на кооперацию учебного заведения и предприятий, для которых, в конечном итоге, готовятся специалисты, дала свои положительные результаты и более 85% выпускников пилотных колледжей трудоустроены или дальше учатся в ВУЗах. Данные, полученные по результатам

опроса работодателей, проведенного с 2007 — 2009 гг. показали, что более 75% выпускников удовлетворяют их потребности в новом персонале. Более того, средняя оценка, выставленная предприятиями выпускникам, составляет 4,45 балла.

После закрытия Узбекско-германского проекта вся проделанная работа будет передана Комитету при Ассоциации ИТ-предприятий, который будет следить за дальнейшим развитием программы и применять полученные результаты на практике с другими колледжами, которые в перспективе захотят перенять опыт полученный в ходе работы проекта.

**Даврбек КАДИРАЛИЕВ,**  
ассистент Узбекско-германского  
проекта ИКТ

### РОСТ ПРОДАЖ ПК ОКАЗАЛСЯ ВЫШЕ, ЧЕМ ПРОГНОЗИРОВАЛОСЬ



Компания Gartner подвела итоги продаж персональных компьютеров в I квартале 2010 года и обнаружила, что компьютерный рынок неожиданно вырос. В январе-марте в мире было продано 84,3 млн. ПК. Это на 27,4% больше, чем в I квартале прошлого года.

Больше всего ПК в I квартале этого года продал Hewlett-Packard (15,3 млн. штук).

На втором месте — Acer, поставивший за первые три месяца этого года 12 млн. компьютеров. За ним следуют Dell, Lenovo и Asus — в первом квартале они продали соответственно 10,2 млн, 7 млн. и 4,6 млн. компьютеров.


### APPLE УДВОИЛА ВЫРУЧКУ И ЧИСТУЮ ПРИБЫЛЬ



Apple отчиталась по итогам первого квартала 2010 года.

В первом календарном квартале чистая прибыль компании практически удвоилась и составила 3,07 млрд. долларов или 3,33 доллара на акцию, против 1,62 млрд. долларов или 1,79 долларов на акцию годом ранее. Продажи продукции Apple выросли на 49% до 13,5 млрд. долларов, обойдя по этому показателю прогнозы аналитиков.

### 25 СТРАН БЛОКИРУЮТ ДОСТУП К ПРОДУКТАМ GOOGLE



Ее сервисы блокируются в 25 из 100 стран, в которых она ведет свою деятельность. Доступ для интернет-пользователей к продуктам Google ограничивается по решению правительства государств, сообщила вице-президент компании Рэйчел Ветстоун.

Компания не привела список стран, которые налагают запрет на сервисы Google, подчеркнув, что чаще всего в роли цензоров выступают авторитарные государства.

## Обеспечение скрытной фильтрации сетевыми средствами

**Использование технологии скрытной фильтрации позволяет исключить риск обнаружения и компрометации межсетевых экранов в сетевой инфраструктуре организации.**

Обеспечение информационной безопасности при построении и эксплуатации распределенных информационных систем на сегодняшний день является одной из ключевых проблем, решение которой зависит от принятия эффективных мер противодействия широкому кругу угроз безопасности. Одним из средств, позволяющих противостоять определенному перечню угроз, направленных на целостность, доступность и конфиденциальность информации, являются межсетевые экраны. Данный класс сетевых устройств позволяет реализовать политику безопасности организации путем решения следующего круга задач:

- управляемый доступ к сетевым ресурсам;
- защита сетевых ресурсов от внешних угроз;
- защита от типовых атак отказа в обслуживании;
- скрытие структуры внутренней сети;
- конфиденциальность внешних сетевых соединений;
- аудит событий безопасности;
- управление сетевым трафиком.

Являясь необходимыми компонентами сетевой инфраструктуры, межсетевые экраны могут быть подвержены одной из угроз безопасности — несанкционированному воздействию со стороны злоумышленников, как и любые другие сетевые устройства. Для минимизации данного риска используются различные приемы, например, ограничение круга сетевых устройств, которым позволено взаимодействовать с управляющим блоком меж сетевого экрана, блокировка протокола ICMP для невозможности обнаружения месторасположения меж сетевого экрана и т.д.

Одним из способов обеспечения безопасности устройств в компьютерных сетях является их скрытный режим работы. Например, функционирование коммутаторов 2-го уровня возможно без

использования управляющего блока, обеспечивающего удаленное управление (неуправляемые коммутаторы или коммутаторы, управляемые через консольный порт). Другой пример — невидимый (stealth) режим работы межсетевых экранов SunScreen EFST фирмы Sun Microsystems, скрытность функционирования которых достигается за счет отсутствия IP-адресов на его фильтрующих интерфейсах. Отсутствие адресов позволяет скрыть межсетевой экран от средств трассировки и сетевых анализаторов. Однако, существует возможность локализации меж сетевого экрана по косвенным признакам — статистическим характеристикам сетевых процессов.

Качественно нового уровня скрытности меж сетевого экрана можно достичь, если в процессе фильтрации также будет обеспечиваться скрытность функционирования на уровне доступных для измерения статистических характеристик сетевых процессов. Сложность решения данной проблемы определяется отсутствием адекватных моделей сетевых процессов, статистические свойства которых отличаются от принятых в классической теории массового обслуживания. К таким свойствам можно отнести, в частности, наличие самоподобия (фрактальных свойств) сетевых процессов и нарушение предположений о связанности последовательных состояний системы, характерных для марковских процессов.

В работах было, в частности, показано, что неизменность показателя H (показателя Херста), являющегося инвариантной характеристикой к масштабу измерений, на входе и выходе меж сетевого экрана является условием сохранения статистических характеристик трафика.

Таким образом, режим скрытной фильтрации является таким режимом функционирования меж сетевого экрана, при котором выполняются следующие свойства:

Мусобақаларга тўхталадиган бўлсак, унда Тошкент алоқа касб-хунар коллежи, Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи, ТАТУ қошидаги 2-академик лицей ҳамда ТАТУ қошидаги Мирзо Улуғбек академик лицейи ўқувчилари мини-футбол, баскетбол (йигитлар ва қизлар ўртасида), кўпкураш (қувноқ стартлар) баҳсларида ўзaro куч синашдилар.

Спорт фестивалининг биринчи кунинда мини-футбол учрашувлари бўлиб ўтди. Биринчи бўлиб “ТАТУ 2-академик лицейи” ва “Ахборот технологиялари коллежи” футболчилари майдонга тушди. Баҳс шиддатли кўриниш олди. Учрашув охирига келиб лицей ёшларининг устунлиги сезилди ва кетма-кет тўп киритиб, ҳисоби 6:3 кўринишида яқунладилар.

Иккинчи жуфтлик — “Алоқа коллежи” ва “Мирзо Улуғбек лицейи” жамоалари ўртасидаги баҳсда Бахтиёр Орипов киритган беш тўпга лицей ёшлари бир бора жавоб қайтар олдилар. Шу тариқа, баҳс 5:1 ҳисобида “Алоқа коллежи” фойдасига ҳал бўлди.

Биринчи ўйинларда мағлуб бўлган жамоалар 3-ўрин учун ўзаро баҳсландилар. Бунда “Мирзо Улуғбек лицейи” жамоаси “Ахборот технологиялари коллежи” ёшлари устидан 8:6 ҳисобида зафар қўчдилар.

Финал ўйини “Алоқа коллежи” ҳамда мезбон — “ТАТУ 2-академик лицейи” жамоалари ўртасида кечди. Кескин ва тактик жиҳатдан мурасасиз кечган ўйинда коллеж ёшлари 5:4 ҳисобида ғалаба қозонди.



Мини-футбол баҳси шиддати катталарникидан қолишмади.

# Комиллик йўли



Профессионалча ҳаракатлар... соҳа ўқувчилари ижросида.



Иштирокчилар фестивални совғасиз тарқ этишмади.

— Коллежимизда спорт тўғараклари фаолиятига алоҳида эътибор қаратамиз, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент алоқа касб-хунар коллежи жисмоний тарбия раҳбари Рустам Абдуқодиров. — Ички мусобақаларда сараланган спортчиларимиз коллежлар ўртасида ўтказилган турли мусобақаларда иштирок этиб келмоқдалар. Мазкур спорт фестивалида ғалаба қозонишимизга ҳам шу омиллар сабаб бўлди деб ўйлайман. Соҳа ўқув муассасалари ўртасида шундай аjoyиб мусобақа ташкил этилганидан жуда хурсандимиз. Мазкур баҳслар талабаларимизни янада қаттиқроқ ишлашга, ғалабалар сари интилишга ундайди. Шунингдек, спортга меҳр қўйган, соғлом ҳаёт тарзига амал қилувчи ёшлар тамаки чекиш, спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик каби зарарли иллатлардан узоқроқ юришадилар.

Фестивалнинг иккинчи кунинда баскетбол ҳамда кўпкураш баҳслари ўтказилди.

Қизлар ўртасидаги баскетбол мусобақаларида “Алоқа коллежи” талаба-қизларининг маҳорати яққол устун эканлиги сезилди. Улар барча рақибларини қийинчиликсиз мағлуб этиб, шоҳсупага кўтарилишди. Бунда иккинчи ўрин “Мирзо Улуғбек лицейи”, учинчи ўрин “Ахборот технологияла-

ри коллежи” қизларига насиб этди.

Йигитлар ўртасидаги баҳсларда ҳам шу ҳолат такрорланди. “Алоқа коллежи” ёшлари йирик ҳисобларда ғалаба қозониб, биринчи ўриндан жой олишди. “ТАТУ 2-академик лицейи” иккинчи, “Ахборот технологиялари коллежи” учинчи бўлди.

Тошкент алоқа касб-хунар коллежи талабаларининг баскетбол баҳсларида яққол устунликка эришиши бежиз эмас. Зеро, қизлар ўртасида коллеж ва лицей талабалари ўртасида айнан шу жамоа республика чемпионолари ҳисобланишади. Бир неча йиллардан буён улар Тошкент шаҳар биринчилигида ғолибликни ҳеч кимга бермай келишади. Йигитлар жамоаси ҳам пойтахт биринчилигининг бир неча бор ғолибларидир. “Баркамол авлод” Республика мусобақасида ҳам пойтахт шарафини айнан Алоқа коллежи талабалари ҳимоя қилишади. Бу даражага етишда, шубҳасиз, коллеж ўқитувчиси, биринчи тоифали мурабий Юрий Салмовнинг ҳиссаси беқийсдир.

Мусобақалар оралигида барча хоҳловчилар ўртасида қизиқарли ўйинлар ўтказилди. 10 метр масофадан тўпни тепиб дарвозага осиб қўйилган коптукни уриб тушириш баҳси анча вақт давом этди. Ниҳоят, “Алоқа коллежи” талабаси Шаҳноз Абдураҳмонов бу вазифани удалади ҳамда Электромангнит мослашув маркази касба уюшмаси кўмитасининг махсус соврини — кўл соати билан тақдирланди.

Баскетбол тўпини саватчага энг кўп тушириш баҳсида “Мирзо Улуғбек лицейи” ўқувчиси Дмитрий Батан ҳамда “Алоқа коллежи” талабаси Ольга Романова ғолиб бўлди. Уларга “МТС-Ўзбекистон” компанияси совғалари топширилди.

Мусобақа дастуридан ўрин олган кўпкураш беллашувлари ҳам қизиқарли, мурасасиз курашларга бой бўлди. Тўрт шартдан иборат машқларда ўз эҳтиллиги ва чаққонлигини намоиш этган “Алоқа коллежи” ёшлари бу сафар ҳам якунда ғолибликни қўлдан бой беришмади. “Мирзо Улуғбек лицейи” жамоаси иккинчи, “Ахборот технологиялари” коллежи учинчи бўлди.

Мусобақа якунида ғолиб ва совриндорлар тақдирланди. Мини-футболда турли номинациялар бўйича энг яхши деб топилган Игорь Парваткин, Шухрат Ҳомитов ва Бахтиёр Ориповларга “ТошТТС” филиали касба уюшмаси кўмитасининг совғалари топширилди. Турли йўналиш-

да биринчи, иккинчи, учинчи ўринни қўлга киритган жамоа аъзоларига Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгашининг совринлари тақдим этилди. Умуман олганда, бирор иштирокчи фестивални совғасиз тарқ этмади. Спорт фестивалининг Кубоги баҳсларида аjoyиб натижалар қайд этган Алоқа касб-хунар коллежи жамоасига насиб этди.

— Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “Соҳа ташкилотлари ёшлари орасида соғлом ҳаёт тарзи маданияти, ўз соғлиғига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, соғлом оила қуришни тарғиб қилиш, ёшларни гиёҳвандликдан, ахлоқсизликдан, ёт маданиятнинг зарарли таъсиридан, ташқи хавф таъсиридан сақлашга қаратилган комплекс дастур” и доирасида ташкил этилган спорт фестивали муваффақиятли ўтказилди, — дейди мусобақа бош ҳаками Суннат Абдуганиев. — Ушбу мусобақага ҳомийлик ёрдами билан кўрсатган Электромангнит мослашув маркази, “МТС-Ўзбекистон” ва UCell компаниялари, “ТошТТС”, “ШАК” филиаллари ҳамда бизга ўз спорт замида барча шарт-шароитларни яратиб берган 2-академик лицей маъмуриятига миннатдорчилик билдираман.

Спорт фестивалида 100 нафардан ортиқ йигит-қизлар иштирок этишди. Мазкур фестивални анъанавий тарзда ўтказиб бориш таклифини ёшлар гулдурас қарсақлар билан қарши олишди. Демакки, кейинги мусобақаларга улар янада кучли иштиёқ билан тайёргарлик қуришади. Бу ҳолат кишини курсанд қилмай қўймайди, чунки спорт — баркамоллик сари элтувчи йўлдир.

Лutfallo ТУРСУНОВ

**Шу ўринда бир мулоҳазани баҳсларни кузатиб гувоҳ бўлдики, алоқа соҳаси учун нафақат билимли ёш мутахассислар, балки аjoyиб спортчилар ҳам камол топиб келишмоқда. Айниқса, коллеж талабалари деярли тайёр мутахассис. Ўқишни тугатишлари билан алоқа соҳаси тизимларида меҳнат қилиш имконига эга бўладилар. Улар орасида эса соҳа мини-футбол жамоалари таркибининг кучайтириш оладиган ёшлар ҳам бор. Ўз таркибининг ўринбосарлар билан кучайтириб боришни истовчи соҳа корхоналари жамоалари мазкур коллежлар талабаларининг мусобақаларда кузатиб боришса, фойдадан холи бўлмайди.**

# ZTE

## — келажак ёнимизда!

**Истиклолга эришган дастлабки йилларимиздан мамлакатимиз телекоммуникация тармоғи иш сифатини жаҳон стандарти даражасига кўтариш борасида муҳим қадамлар ташланди. Чунки ушбу тармокни ривожлантирмасдан туриб иктисодиётнинг бошқа соҳаларида ижобий ўзгаришларга эришиб бўлмаслиги кундек равшан эди. Албатта, бу ишларга ривожланган давлатлар АКТ тизими тажрибасини ўрганиш, етакчи хорижий компанияларни жалб қилиш орқали эришиш кун тартибидан ўрин олди.**

Олиб борилган амалий ишлар натижасида республикамизга жаҳонга машҳур кўплаб алоқа компаниялари кириб келди ва улар бугунги кунда миллий АКТ тизимимизни ҳар томонлама модернизация қилишга салмоқли ҳисса қўшишмоқда. Шундай хориж корхоналаридан бири ХХРнинг ZTE корпорациясидир.


ZTE корпорацияси — ўз фаолиятини халқаро бозорда кенгайтиришни бошлаган Хитойнинг илк телекоммуникация компанияларидан бири. Корпорацияга 1985 йили Шэнчжэн шаҳрида асос солинган. Ўтган вақт мобайнида ZTE телекоммуникация ускуналари ва лойиҳаларини ишлаб чиқариш ҳамда етказиб бериш бўйича дунёдаги етакчи компанияга айланди.

1996 йилдан ZTE корпорацияси ўз маҳсулотлари ва хизматларини жаҳоннинг 135 мамлакатига тақдим қила бошлади. Маркетинг ишларининг самарали йўлга қўйилиши, кадрлар ва интеллектуал мулк борасида олиб борилган аниқ сиёсат, маҳсулотларнинг тўғри тақсимланиши, замонавий ишланмалар натижасида ZTE жаҳоннинг 500дан ортиқ операторлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйди. Аини дамба корпорацияда ишловчи ходимлар сони 50000 нафарга етган бўлиб, уларнинг саккиз мингта яқини бутун дунё бўйлаб тарқалган юздан ортиқ ваколатхоналарида меҳнат қилади.

Корпорация ходимларининг 33 фоизи илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланади, фойдаланиб 10 фоизга яқини ҳам айнан шу йўналишдан олинади. Аини пайтда ZTE Шимолий Америка, Европа ва Осиёда 16 илмий-тадқиқот маркази ва институтига эга. 2007 йилда корпорация патентларининг умумий сони 12000тага етди, уларнинг 90 фоизи инновация патентларидир.

ZTE халқаро телекоммуникация ҳамжамиятида муҳим рол ўйнайди. Корпорация форумлар ва стандартлаштириш бўйича 50дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг фаол аъзоси.

ZTE телекоммуникация саноатининг етакчи даргалари, жумладан, NGN ва мобил тизими соҳасида Portugal Telecom, France Telecom, Alcatel, Ericsson ва Nortel билан, 3G соҳасида Hutchison билан, оптик транспорт маҳсулотлари йўналишида эса Marconi билан страте-



гик ҳамкорлик қилади. Шунингдек, компания Texas Instruments, Intel, Agera Systems, HNEC, IBM, Microsoft (Хитой),

Qualcomm, Huahong NEC ва Tsinghua University компаниялари билан кўшма лабораторияларга эга, Хитойдаги 50та академик институт илмий-тадқиқот лойиҳаларида қатнашапти. Бундан ташқари, ZTE Хитой телекоммуникациялар стандартлаштириш ассоциацияси (CCSA)нинг тўлақонли аъзосидир.

### Келажак авлод тармоғи

Телекоммуникация саноатида коммутация каналлари тармоғидан келажак авлод тармоғи (NGN)га ўтиш жараёни кечмоқда. Шунга қарамадан, замонавий рақобатга эга бозорда халқаро сўзлашувлар сони ўсишда давом этипти, хизматлар етказиб берувчиларнинг ўртача даромади эса камаймоқда. Бу, яъни трафикнинг кенгайиши мобил тармоғи ва кенг полосали уланишнинг иқтисодий ўсишига олиб келади. Шундай пайтда хизматлар етказиб берувчилар интернет трафик ўсишини амалга ошириш учун IP инфратузилмасига катта сармоя киритдилар. Бу каби шароитда улар ўз мулкларини кенгайтириш ва бозорнинг бир қисмини эгаллаш каби масалани ҳал этишга эҳтиёж сездилар. Ушбу муаммолар NGN технологияси орқали ҳал қилинди.

ZTE операторларга тармоқларини оптималлаштириш ва яхшилаш, шунингдек, IP-лоийҳалар орқали уларнинг сармовий харажатларини камайитиришга ёрдам бермоқда. Буларга ТФОП тармоғидан Triple-Play, MPLS VPN, IPTV, видеоконференцалоқа, IP Centrex ва рақамли уй каби хизматларни тақдим қилувчи NGN тармоғига энгилгина ўтиш натижасида эришилмоқда. Компаниянинг NGN тармоғи Softswitch, IP-маршрутизатори, кенгполосали ва интеллектуал тармоқлар тизимларидан ташкил топган.

Корпорация маълумотлар базаси ва мультимедиа, овозли хизмат тақдим этувчи, IP-телефония учун кенг полосали ва симсиз хизматлар кўрсатувчи, видеотелефон, сўровнома бўйича видео (VOD), SoftDA ва интернетга юқори тезликда уланиш сингари NGN лойиҳасини тақдим этади. Уланиш ТФОП, АТМ, IP, WLAN, BWA, WLL ва WiMAX асосида тақдим этилиши мумкин.

### Мобил телефон ва терминаллари

“Тил бир-биримизни тушунишимизга ёрдам беради. Мулоқот бизни яқинлаштиради. ZTE бизни бевосита инновация технологияларига бирлаштиради ва келажак ёнимизда эканлигини исботлайди” шиори остида фаолият олиб бораётган компания маҳсулотлари аини кунда дунё бўйича эътироф этилмоқда. Ҳозирда юзта мамлакатдаги 80 миллион киши айнан ZTE уяли телефонларидан фойдаланади.

Компания йирик мобил телефон ишлаб чиқарувчилардан бири бўлиб, Nokia, Samsung, Motorola, SonyEricsson ва LG сингари машҳур ва жаҳон тан олган компаниялардан кейин олтинчи ўринда туради.

Аини дамба компания ҳамкорларининг сони 140 операторга етиб, Vodafone, China Mobile, Orange, Telefonica ҳамда TIM сингари донгдор операторлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

ZTE терминаллари ва мобил телефонларининг афзаллиги:

- кучли илмий-тадқиқот ва малакали конструкторлик базаси;
- бенуқсон техник қўллаб-қувватлаш;
- нарх сиёсатининг қойилмақом бошқарилиши;
- дунё бўйлаб маркетинг тармоғи;
- сифат;
- мобил телефонлар ва терминалларнинг кенг спектри.

ZTE 2002 йили RUIМ тасвир картаси билан CDMA стандартидаги телефонни ҳавола қилган дунёдаги илк компания бўлди. Ушбу маҳсулотнинг биринчи туркумини таниқли уяли алоқа операторлари ичида Хитойда иккинчи ўринда турадиган China Unicom оператори сотиб олди. Мазкур телефон Хитойда RUIМ технологияси ривожига катта рол ўйнади ва операторларга фойдаланувчиларнинг катта базасига эга бўлишга ёрдам берди.

Барселонада бўлиб ўтган 3 GSM кўрғазмасида ZTE 2 Mbps UL ва 7.2 Mbps DL илк MF365 HSUPA датаркартаси (маълумотлар картаси)ни намойиш этди. Ушбу HSUPA карта ҳамон дунёдаги энг тезкор карта бўлиб қолмоқда.

### WCDMA лойиҳа

ZTE телекоммуникация қурилмалари, жумладан, симсиз қурилмалар, тармоқ қурилмалари, маълумотлар узатиш ва терминал қурилмала-

ри ишлаб чиқарувчи дунёдаги етакчи компаниялардан биридир.

Корпорация 1998 йилдан буён WCDMA тизимини жорий этиш соҳасида ишлар олиб бормоқда. Унинг WCDMA тизими дунёнинг йигирмадан ортиқ мамлакатларида, хусусан, Ливия, Эфиопия, Тунис, Непал, Тожикистон, Эстония ва бошқа давлатларда тижорий эксплуатацияга жорий қилинган. Ўзбекистонда эса мазкур тизим UCell компанияси тармоғида тест тартибда фойдаланилмоқда.

### ZTE Ўзбекистонда

Perfectum Mobile компанияси учун CDMA 2000 1x стандартидаги уяли алоқа тармоғини яратиш лойиҳаси корпорациянинг Ўзбекистондаги дастлабки лойиҳаси бўлди.

2004 йилнинг 14 майида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва ZTE корпорацияси ўртасида алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишув имзоланди. Имзоланган ҳужжатда Ўзбекистонда АКТни ривожлантириш ва модернизация қилишда икки томонлама манфаатли муносабат ўрнатилиши кўзда тутилган.

Мазкур келишув доирасида корпорация Тошкент ахборот технологиялари университетига DSLAM кенг полосали уланиш ускуналари бўйича ўқув синфи ташкил этди. Бундан ташқари, Тошкент вилояти алоқа тармоғини янгилаш учун ISO-9001 халқаро стандартларига жавоб берувчи умумий сифими 5000 рақамга тенг замонавий АТС тақдим этди. Лойиҳани амалга ошириш натижасида ускуналар бутунлай алмаштирилди, Тошкент шаҳрида хизмат кўрсатиш ҳудуди сезиларли кенгайиб, сифати яхшиланди.

ZTE East Telecom компанияси учун маршрутизаторлар асосида Gigabit Ethernet мультисервис транспорт тармоқини қуришни кўзда тутувчи шартнома имзолади. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида STM-16 оптик ҳалқа қуриш буюртмасини қўлга киритди ва ускуналарни монтаж қилиш ишларини корпорациянинг техник мутахассислари муваффақиятли амалга оширдилар.

Ҳозирги кунда компания нафақат операторлар учун тугалланган ечимлар, балки рақобатбардош нарҳдаги таклифлар ва кафолатли хизматлар таклиф қила олиши билан ҳам тобора ном қикариб борапти.

Усмоножон Йўлдошев,  
“Хабар” мухбири

Хар бир инсоннинг ўз тақдири, орзу-мақсадлари бор. Олис Украинанинг Винница вилоятида туғилиб ўсган гўзал ва мафтункор Ангелина вақти келиб дўстободликларнинг сеvimли инсонига айланиши ҳам тақдир битиги. “Дўстобод” почта алоқаси тармоғи бошлиғи Ангелина Ковалчукни ҳамма бирдай хурмат қилиши роcт.



## Тақдир битиги

Бунга сабаб ундаги самимийлик, одамларга, айниқса, Қуйичирчиқ тумани ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийлар ҳамда кўнгли ўқсик ноғиронларга бўлган эътиборидир.

Ангелина ўсиб ювган етган хонадон соҳиби Пантелей бобо Иккинчи жаҳон урушининг барча машаққатларини бошидан кечирган. Айни йигитлик ёшида у немис фашистлари томонидан Германияга ҳайдаб кетилди. Зодагонлардан бирининг хонадонидан оғир ишларни бажариб юрганда поляк партизанлари уни қутқаришди. У аввал партизанлар сафиди, сўнг ҳарбий қисмлардан бирига қўшилиб, фронтнинг олдинги маршаларида жанг қилди. Берлинга қўйилган қаторида кириб борганлар ичида у ҳам бор эди.

— Отам бизни эзгуликка, одамларга яхшилик қилишни бурч деб билишга ўргатган, — дейди Ангелина Пантелеймоновна. — Отам ўнгитлари бир умр ёлдамда турди. Қолаверса, Қуйичирчиқ туманига келган кунимдан бошлаб, меҳрга, оқибатга, одамгарчиликка дуч келганман.

Ангелина Ковалчук Украинадаги политехника техникумида ўқигани боис, дастлаб келган пайтида тўқимачилик галатерия фабрикасида ишлади. Фабрика ёпилгач, у ўзи яшаётган манзилдаги “Благовещенко” алоқа бўлимига почтачи бўлиб ишга кирди. Ангелинадаги ҳалолик, уддабуронлик раҳбарлар назарига тушиб, уни Мингчинор алоқа бўлими бошлиғи вазифасига ўтказишди. Ангелина Пантелеймоновна ишлаш тўғрисида, Тошкент алоқа техникумида ўқиб, билимларини мустақамлаб олишга муваффақ бўлди. Сўнгра уни туман алоқа бўлимига (ўша пайтда почта алоқаси ва телефон алоқаси битта ташкилот эди) услубчи-ревизорлик вазифасига ишга ўтказишди. Кейинчалик бир неча йил алоқа бўлими бошлиғи ўринбосари бўлиб ишлаган тажрибали мутахассис 1996 йилдан бери Қуйичирчиқ тумани

почта алоқаси тармоғини бошқармоқда.

— Почта алоқаси тармоғимизда ўз касбининг фидойилари бўлган инсонлар меҳнат қилишади, — дейди Ангелина Ковалчук. — Уларнинг саъй-ҳаракатлари туяфайли туман газлаштириш, электрлаштириш ҳамда ижтимоий таъминот бўлими идоралари билан тузган шартномаларимиз, шунингдек, аҳолига почта хизмати кўрсатиш бўйича режа-топириқлар ортиги билан бажарилиди. Бу ишларга, айниқса, Светлана Ким бошлиқ “Найман”, Муҳаббат Матқаримова бошлиқ “Узли”, Ирина Жангинова бошлиқ “Улуғбек”, Любова Ежкова бошлиқ “Пахтазор” ҳамда Тамара Қосимова бошлиқ “Қўрғонча” алоқа бўлиmlари ходимлари муносиб ҳисса қўшишди.

Ангелина Пантелеймоновна ҳамкасблари ҳақида гапиришни хуш кўради. Уларнинг касбини севишлари, почта ходими бўлиб ишлаш учун, биринчи навбатда, ҳалоллик зарурлиги, қишлоқ хўжалиги туманида ишлаш анча қийинлиги, лекин ходимлар ҳамма ишга улгуришлари ҳақида тўлқинлиб гапирди.

Опанинг ёлғиз қизи Ина она изидан бориб алоқачилик касбини танлаганилигини, Тошкент ахборот технологиялари университетини тугатиб, соҳада фаолият юритишини, опанинг кўксини “Мустақилликнинг 10 йиллиги” кўкрак нишони бегаб, ҳар йили байрамларда туман ва вилоят ҳокимликлари, хотин-қизлар кўмиталари томонидан меҳнати муносиб баҳолаганини почта ходимларидан билиб олди.

— Тақдиримда Ўзбекистондай гўзал, одамлари меҳр-оқибатли юртда яшаш биттиганидан манмунман, — дейди Ангелина она. — Шу юртда бахт топдим, қадр ва хотиржамлик топдим. Бундай ўлка доимо гуллаб-яшнайсин дейман ва шу йўлда меҳнат қилишдан чарчамайман.

Муборак МИРКАМОЛОВА  
Тошкент вилояти

### Хулосат

Жасорат факат қарор қилиш эмас, айна пайтда тақдоран бошидан бошлаш қобилиятидир.

Скотт Филджералд

## Табриклаймиз!

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Тошлоқ ва Риштон почта алоқаси тармоқлари хабарчилари Баҳодиржон МАМАТОВ ҳамда Мадамжон ЖУРАЕВАларни 50-баҳорни қарши олаётганлари билан самимий табриклайди. Уларга мустақам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар бахту қамолини кўришликни тилайди.

“Қорақалпоқ Телеком” филиали жамоаси филиал оператори Айсара АТАМУРАТОВАни, коммутатор бўлими катта телефончилари Гулнора ХУДАЙБЕРГЕНОВА ҳамда Палъиш КАЙПАНОВАларни 50 ёшлари билан табриклайди. Уларга мустақам саломатлик, узоқ умр, ишларида муваффақиятлар тилайди.

“Ўзбектелеком” АК “Тошкент Телеком” филиали ҳамда Олмалик телекоммуникациялар боғламаси жамоалари боғлама бошлиғи Абдурашид АБДУРАНИЕВни 60 ёши билан чин диладан табриклайди. Унга мустақам соғлик, узоқ умр, оилавий бахт ва меҳнат фаолиятида улкан зафарлар тилайди.

## ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом”нинг 48-бандига асосан “Марғилон шаҳар телевидениеси”нинг (Марғилон ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001570 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 15 апрелдан тикланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом”нинг 49-бандига асосан:

“VAZIR-D” масъулияти чекланган жамиятнинг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001173 рақамли;

“Тулкин” масъулияти чекланган жамиятнинг (Сурхондарё вилояти) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001949 рақамли;

“SHAMS” илмий маркази масъулияти чекланган жамиятнинг (Сурхондарё вилояти) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) фаолиятига берилган АА серияли 0001724 рақамли;

“DANADI-SERVIS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001712 рақамли;

“Фарғона Алоқа Таъмирловчи” хусусий корхонасининг (Фарғона ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001909 рақамли;

“KOLIZEY TELESET” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ теледастурлар тарқатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш (кабелли телевидение) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002281 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 20 апрелдан;

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг “Granit” илмий-ишлаб чиқариш корхонаси қошидаги “GRANIT” қуриш-монтаж корхонасининг (Бухоро ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0000926 рақамли;

“VLADMODERNSTROY” хусусий корхонасининг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002829 рақамли;

“TURSUN-BARAKA” масъулияти чекланган жамиятнинг (Самарқанд ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001527 рақамли;

“FIBER-SYSTEM” хорижий корхонаси масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002513 рақамли;

“Muzaffar Mahmud” хусусий корхонасининг (Хоразм вилояти) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002464 рақамли;

“TAKSOKOM SERVIS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002341 рақамли;

“ИШОНКУЛОВ ЛУТФИЛЛА МУСТАФАКУЛОВИЧ” хусусий фирмасининг (Қашқадарё вилояти) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002282 рақамли;

“АЛОҚА” хусусий корхонасининг (Самарқанд вилояти) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001401 рақамли;

“GLADIATOR NET” хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0001245 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 21 апрелдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом”нинг 52-бандига асосан “DANADI-SERVIS” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига АА серияли 0003140 рақамли лицензия 2010 йил 20 апрелдан бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори билан тасдиқланган “Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низом”нинг 23 ва 52-бандига асосан “ALOQA KLIMKONTROL” масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.):

— маҳаллий телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига АА серияли 0003045 рақамли;

— шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига АА серияли 0003046 рақамли лицензиялар 2010 йил 20 апрелдан бекор қилинди.

FUTBOL

“НАСАФ” ЙИРИК ҲИСОБДА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

**ОФК кубогининг 5-турда ўз майдонида гуруҳ аутсайдер – Ливаннинг “Ал-Ахад” жамоасини қабул қилган “Насаф” жамоаси йирик ҳисобда ғалаба қозонди.**

Учрашувни шиддатли ҳужумлар билан бошлаган Виктор Кумиков шоғирдлари дастлабки дақиқалардан бошлаб хавфли вазиятларни содир эта бошлашди. Бунинг нати-

жаси ўлароқ, биринчи бўлимнинг ўзида рақиб дарвозаси тўрт бор ишғол этилди.

Биринчи бўлимдаёқ керакли натижани қўлга киритган мезбонлар иккинчи бўлимда у қадар катта куч билан ҳаракат қилмади. Натижада биринчи бўлимда қайд этилган ҳисоб ўйин охиригача ўзгармай қолди ва қаршилиқлар ОФК кубогидики иккинчи йирик ғалабани тантана қилишди.

**“НАСАФ” – “АЛ-АХАД” 4:0 (4:0)**  
Голлар: Ҳамза Каримов (7),

Рустам Қодиров (15), Ботир Қодирқулов (22), Сергей Крот (41).

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда «Казма» (Қувейт) ва «Ал-Жайш» (Сурия) ўйинида сурияликлар 74-дақиқада киритилган ягона гол эвазига Қувейтдан 3 очко билан қайтишди. Шу тариқа «Ал-Жайш»да ҳам гуруҳдан чиқиш имкони юзага келди.

Энди 27 апрел кuni бўлиб ўтadиган гуруҳдаги сўнгги учрашувда «Насаф» сафарда «Ал-Жайш» билан баҳс олиб боради. Айнан шу учрашув кейинги босқич иштирокчисини аниқлаб беради.

SHUNQORLAR MUSOBAQASI

“Алоқачи” – ғолиб

Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида “Шунқорлар” ҳарбий спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишларини янада тақомиллаштириш ҳамда уларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш мақсадида ўтказилган ушбу анъанавий мусобақада 250 нафардан зиёд ўқувчи иштирок этди. Шунқорлар ўртасида ҳарбий спорт турлари, сафда юриш, умумсиёсий ва жисмоний тайёргарлик, мерганлик, фуқаро муҳофазаси, тезкор тиббий ёрдам кўрсатиш каби йўналишлар бўйича қизгин баҳс кечди.

Жиззах шахрининг “Алоқачи” жамоаси биринчи ўринни эгаллаб, мусобақанинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

QILICHVOZLIK

Мамлакат биринчилиги

Республика Олимпия захиралари коллежидики қиличбозлик бўйича мамлакат биринчилиги якунланди. Мусобақанинг сўнгги кунидики бўлиб ўтган жамоавий баҳсларда Евгений Исасев, Вячеслав Пашин, Евгений Ли ва Андрей Пак «Тошкент-2» жамоасига олтин медал келтирди. «Тошкент-1» жамоаси кумуш медалини қўлга киритган бўлса, «Тошкент-3» жамоаси бронза медал билан тақдирланди.

Хотин-қизлар беллашувида ҳам пойтахтликларга тенг келадигани топилмади. Яна Разниченко, Виктория Шумилина, Елена Ким ва Алина Зайдуллаевадан иборат «Тошкент-1» жамоаси шоҳсупанинг юқори поғонасини эгаллади. «Тошкент-2» ва Наманган вилояти жамоалари кучли учликдан жой олди.

VELOSPORT

Темур олтин

медални қўлга киритди

Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган Осие биринчилигида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Темур Гумеров гуруҳ беллашувида олтин медалини қўлга киритди. Яна бир вақилимиз Роман Дронин эса кумуш медал билан тақдирланди.

Ўтганларнинг охирига обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси “Инженер-техник маркази” филиали директори Эргаш Аллаева волида муҳтарамаси

**Сухсур ая АЛЛАЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ жамоаси Қорақалпоғистон филиали директори Кенесбай Ибрагимовга отаси

**ИБРАИМ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

JAHON SPORTI

ЕЧЛ: Мезбонларнинг ишончли ғалабаси

Европа чемпионлар лигасининг дастлабки ярим финал учрашувлари бўлиб ўтди.

«Интер» ўз майдонидики жаҳоннинг энг кучли клуби – «Барселона»ни қабул қилди ва икки тўп фарқи билан ғалаба қозонди.

«Интер» – «Барселона» – 3:1.

Голлар: Педро Родригес, 19 (0:1), Снейдер, 30 (1:1), Майкон, 48 (2:1), Милито, 61 (3:1).

Ярим финал учрашувларининг иккинчиси Германияда ўтказилди. Учрашувнинг биринчи бўлимидеяқ «Бавария» футболчиси Рибериға қизил карточка кўрсатилди. Битта кам бўлишиға қарамай, Луи ван Гал шоғирдлари ўзларига керакли бўлган натижани қайд эта олишди. Тиниб-тинчимас голланд футболчиси Арнен Роббеннинг ягона голи кичик ҳисобдаги ғалабани таъминлади.

«Бавария» – «Лион» – 1:0

Гол: Роббен, 69.

Жаҳон чемпионлиги учун баҳс

Ҳиндистонлик шахматчи Вишванатан Ананд чемпионлик инвонини ҳимоя қилиш учун болгариялик Веселин Топалов билан дونا сурди.

Қуръаға кўра, 12 партиялик шахмат тожининг биринчи баҳсидики Ананд қора, Топалов оқ доналарда ўйнайди. Илк ўйин 24 апрел кuni бўлиб ўтади.

“МЮ” – Европанинг энг қиммат клуби

Forbes журналининг хабарига кўра, Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клуби бу йил ҳам Европанинг энг қиммат клуби дея эътироф этилди. Клубнинг таннари 1,8 миллиард долларни ташкил этди. Иккинчи ўринда Мадриднинг «Реал» клуби бормокда. Унинг нархи 1 миллиард 323 миллион долларни ташкил қилади. Учинчи ўриндаги «Арсенал» клуби 1 миллиард 181 миллион доллар туради. «Барселона» ушбу рўйхатда тўртинчи ўринға кўтарилиб олди. Кейинги ўринларда «Бавария», «Ливерпуль», «Милан», «Ювентус», «Челси» ва «Интер» клублари турибди.



Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Ҳаким МУҲИТДИНОВ

(Хайъат раиси)

Асаджон ХҲҲАЕВ

Миродиял САНГИЛОВ

Шухрат СОДИҚОВ

Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ

Сувон НАЖБИДИНОВ

Рустам ҚОСИМОВ

Содиқжон ҚОСИМОВ

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Лутфилло ТУРСУНОВ

(масъул котиб)

Газета

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатға олинган.

Жума кuni чиқади

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60, Т. Шевченко кўчаси, 17-уй. Тел.: 233-36-48; 233-80-20, 236-35-29. Факс: 236-36-42. E-mail: info@xabar.uz

Тахририятта келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.

Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлашиши мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда “Хабар”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал – ❶ Реклама матнларининг тўғрилигиға тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.

G-302 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алада: 17425 нусха.

Баҳаси келишилган нарҳда. **Обуна индекси — 228.**

Газета тахририят компютер базасидики терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Усмовжон ЙҮЛДОШЕВ.

ISSN 2010-6424


Босишға топширилди — 20.00. Босишға топширилиш вақти — 20.00.

1 3 4 5

## O'ZBEKISTON DURDONALARI

## Термизий мақбараси

Гўзал юртимизда кўп асрлик тарихга эга меъморий ёдгорликлар, кўхна обидалар кўп. Юртбошимизнинг ўтмиш аجدодларга чуқур хурмати ва катта эътибори туфайли бундай ёдгорликлар кайтадан таъмирланиб, асл холига кайтарилгани қувонарлидир. Ана шундай ёдгорликлардан бири Сурхон воҳасининг фахри ҳисобланиш Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбарасидир.



Мақбара кўхна Термиз шаҳрининг шимоли-ғарбий бурчагида жойлашган бўлиб, IX асрнинг улуг алломаларидан бири, “Ҳакимия” мактабининг асосчиси, ўзидан кейинги авлодларга 400дан ортиқ қимматли асар қолдирган ажойиб инсон Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Башир ал-Ҳаким ат-Термизий қабри устида бунёд этилган.

Мақбара Мозори Шариф, Пайғамбар ороли, Калиф манзаралари яққол кўриниб, Жайхун дарёсининг овози эшитилиб турадиган жойда барпо этилган.

Ушбу гўзал мақбара қурилиши XI аср охирида бошланган. 1091-1095 йилларда Мовароуннаҳрдаги Қорахонийлар сулоласи вакили Аҳмад ибн Ҳизр кўрсатмасига мувофиқ улуг шайх қабри устига

мақбара бунёд этилган эди. Унинг шарқ томонидаги улкан хонақоҳ эса XV асрда Халил Султон томонидан бунёд этилган. Мақбара деворининг пастки қисмидан бошлаб то гумбазигача гоёт чиройли ўйма танжли нақшлар билан безатилган. Ундаги мураккаб услубда битилган нақшлар куйий ёзувлари билан чагиштирилиб юборилган.

Ҳаким Термизий қабри устидаги ҳозирги қабртоши эса XV асрда қўйилган бўлиб, у жуда ноёб ҳисобланади ва нақшларининг бетакрорлиги билан Ўрта Осиёда ягона ҳисобланади. Алломанинг ҳаёти ҳақидаги асосий маълумотлар эса мрамар тошдаги ёзувларда ўз аксини топган.

Шайх Абдулфаттоҳ Барақаниннинг ёзишича, буюк бобомиз қолдирган асарларнинг 57 тасигина бизгача етиб келган. Ҳаким

Термизийнинг энг машҳур асари “Наводир ал-усул” бўлиб, у 291та ҳадисдан иборат. Мазкур қимматли асар пойтахтимизда, қолган қўлёзма асарлари эса дунёнинг турли мамлакатларида — Парижда 12та қўлёзма асари бўлса, Дамашқ, Искандария, Қоҳира, Лондон ва Истанбулда бир нусхадан ана шундай ноёб асарлари мавжуд.

Мақбара халқимизнинг энг севили зиёратгоҳига айланган бўлиб, одамлар ўзларига янада яқинроқ қилиб, уни “Термиз ота” мақбараси деб атайдилар. Неча асарлардан бери инсонларни эзгулик, зиё ва саховатга, имон-эътиқодли бўлишига чорлаб келаётган “Термиз ота” мақбараси яна узоқ йиллар улуг боболаримиз заковатидан дарак бериб туради.

Г.ҲАЙДАРОВА

## BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Ўзбек аёллари ичида машҳурлари кўп. Сиз Ўзбекистондаги биринчи аёл паровоз машинисти кимлигини биласизми? Биринчи аёл парашютчи-спортчи кимлигини-чи?

“Xabar”нинг 16 (917)-сонидан эълон қилинган “Биринчи двигателли автомобил қачон яратилган?” саволига жавоб:

— 1886-1887 йилларида Готтлаб Даймлер биринчи тўрт цилиндрли, бензин билан ишловчи автомобил яратди. Автомобилнинг бир цилиндрли двигатели от аравага ўрнатилди.

Даймлер бундай автомобилнинг келажаги йўқлигини тушуниб етди ва ихтироси устидаги ишларни давом эттирди. 1889 йилда автомобилнинг янги моделини яратди. Бу икки цилиндрли двигателга эга биринчи автомобил бўлиб, у соатига 17,5 километр тезликда юрар эди.

Бурҳон МУХАТОВ,  
Тошкент шаҳри

Ушбу саволимизга шунингдек, қашқадарёлик Нарғиза Қодирова, андижонлик Жамол Шариповлар ҳам тўғри жавоб йўлашган.

## БЕКАЖОНЛАР ДАФТАРИГА

● Ловия хушхўр бўлиб пишиши учун биринчи қайнаган сувни тўкиб ташлаб, бошқатдан сув солинг ва унга 3 ош қошиқ ўсимлик ёғи қўшинг. Қораймаслиги учун эса идиш қоққонини ёпмасдан, очиқ ҳолда қайнатинг.

● Бисквитли торт музлаткичда қотиб қолмаслиги учун бисквитни картон қоғозга солиб, ёнига бир бўлак олма қўйинг.

● Балиқ хушхўр бўлиб пишиши учун ўсимлик ёғи ва сариённинг тенг миқдордаги аралашмасида қовуринг. Пустилоғи қизариб чиқиши учун эса қоққонни ёпмаган ҳолда пишинг.

● Пиёз кўкариб кетмасин десангиз, сақланаётган идишга бир бўлак нон қўйинг. Нон ундаги ортиқча намликни ўзига шимиб олади.

● Жунли кийимларни юваётганда сув ҳарорати доимо бир хил бўлсин, акс ҳолда у қаттиқ бўлиб қолади.

## SIZ QANDAY IZOHLAYSIZ?



Бизнинг изоҳ: «Сичқонча» ёрдамга келди.



## Газетхон изоҳлари:

— Елкамдан туш, файлни ўзим ҳам яхши эсламан.

Замира ТОЛИПОВА,  
Тошкент вилояти

— Тавба, энди сизир қолувди компютер ўйнамаган.

Сафия ФАНИЕВА,  
Самарқанд вилояти

## Ҳамиша тирик

Ўзбек тили ва адабиётидан имтиҳон тошпираётган талаба ёзувчининг туғилган кунини айтишга, вафот этган кунини эсидан чиқарди.

— Ёзувчи қачон ва қаерда вафот этган? Шунга ҳам айтиб ўтсангиз, — деди ўқитувчи.

— Кечирасиз устоз, — деди талаба маъзуллашиб. — Шундай улуг ёзувчини ўлди дейишга асло тилим бормайди. У ҳаммаша тирик!

## Гиннесс рекордлари

## БУЙРАКДАГИ ЭНГ КАТТА ТОШ

2008 йилнинг 24 июн куни тиббиёт назариясида қўйилмаган ҳодиса қайд этилди. Покистондаги тиббиёт коллежларидан бирининг урология шифохонасида Муҳаммад Жагиранининг ўнг буйрагидан оғирлиги 620 гр. бўлган тош жарроҳлик йўли билан олиб ташланди. Ва бу операция “Гиннесс рекордлари китоби”га киритилди.

## САЁҲАТ ТУГАДИ!

2008 йилнинг 20 март куни Роберт Дэвис қордаюрар машинаси билан саёҳатлар тарихидаги энг узоқ саёҳатини ниҳоясига етказди. Умумий ҳисобда у 19574,45 км. масофани босиб ўтган. Бу сайр рекордлар китобига киритишга лойиқ деб топилди.